

“АЁЛ – ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМЧИСИ”

Марғилон шахридаги “Ижодкорлар боғи”да Оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан “Аёл – қадриятлар давомчиси” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари Комила Кавлонова, шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхоновлар кириш сўзи билан очиб, жамиятимизда аёлларнинг тутган ўрни ва мавқеи, улар чин маънода миллий қадриятларимиз давомчиси эканликларини эътироф этиб ўтишди.

Тадбир давомида камалак рангларида товланувчи атлас ва адрес кўйлаклари эгнида ял-ял ёнган лобару дилбар қизлар миллий лиbosлар намойишида миллийлигимиз, урф-одат ва қадриятларимизни яна бир карра намоён этдилар.

Шаҳар Маданият марказининг хушловоз хонандалари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар барчани бирдек рақсга чорлади.

2024-08-22 20:24:05